- Менга ҳам осон тутманг, у бечораларни Худо тела туйнуқдан уриб қўймаса, оналари ўлмасди. Мен уларга нима ҳам дёя олардим, - деб баҳона кўрсатиди.

- Кўёв, сизга ҳам осон тутмаймиз, - депти опа қуониб, - синглим бечора ҳам ўзинчалик кириб келгани ўйк ўйингизга, хурмату, ўзоз билан тўй килиб олгансиз. Оғирликин бўйнингизга олиб, мурошо мадора қиссангиз бўларди. Ўша топда ўғлингизга бир оғиз гап қотиб, кечаси: «Хотин, энди мен учун болаларнинг

Афифа ХАСАН кизи

# ОҚПБАТСПЗ АЁЛДАЛ ҚУТУЛСПЗ

«Агар оиласига дарз кетса»—46-сон

Маслаҳат беришдан аввал Искандарнинг беибо, беандиша хотини Нозима билан бўлиб ўтган гап-сўларига эътибор берадил. Искандарнинг мактубида шундай ўринлар бор: «Кечкурун келсан хотиним уйда ўйк. Ўдаги ҳамма нарсаларни машина ортиб онасиликига кетган экан. Мен уч кун кутдим, лекин Нозима келмади. Мен афсусланшиб кайнонамига бордим. Нозима ўзи чиқиб, энди турмушиз бўлмайди. Судга ариза бердим», - деб айтибди. Яна бир гал: «Бола сиздан бўлмаган», - дебди.

«Мусулмоннома» китобининг шаръий ҳукмларга оид Суннат амаллар бобида: «Аёллар элари ёки маҳрамларисиз сафарга чиқишилар» ҳаром, «Са-

бабисиз эридан талок талаб қилиши» ҳаром, «Халол эрингиздан бошқа эркакларга кўнгил кўйиб қарамангиз, бу ҳаром», - дейдилган.

Шаръий китоблари миздаги йўрүйиклар билан беибо, беандиша Нозиманинг өғзидан чиқсан сўларини так-косласак, ўз-ўзидан бу эр-хотин орасига табиий ҳолда талок тушгани аён бўлади.

Халқ орасида «Ит вафо, хотин жафо»,

деган нақл бор. Ҳақиқатан Нозима жафо хотин экан. Ҳар қандай йўл билан бўлса-да, Искандарга бу жафодан кутубиб, озод бўлиб олишни маслаҳат бера-

ман. Искандарга ҳали онаси ўтмаган қизлар келин бўлиши мумкин.

Турсун СУННАТОВ, нафақадаги ўқитувчи

# ҚАЛБИНГИЗГА ҚУЛОҚ ТУТИНГ

Навоийлик опамизинг хайётлари менинг хайётимга ўхшаб кетаркан. Мен аввалини йигитларга ишонмайдиган, уларга унча эътибор бермайдиган киз эдим. Лекин негадир. Б. исмли йигитга ишондим. Чунки у келишган, қадди-комати, мен истаган йигит эди. Ўшанда 10- синфда ўқиб юардим. У билан танишиб жуда ўзгариб кетдим. Ҳаёт кўзимга чиройли

кўрина бошлади. Ўшанда мен 16 ёшда, Б. эса 22 ёшда эди. Ҳуддиди, севги ҳақидаги қўшиклар мента атлагандек бўларди ўшанда.

У менга севишини, менсиз туролмаслигини айтиди. Ҳар куни келадиган бўлди. Шу ўнга боянглиб қолдим. Шу йўсунда бир йил ҳам ўтди. Бир куни у менга: «Агар сизни севган йигитнинг оиласи бўлса нима қилиардингиз», - деди. Мен: «У йигитнинг сев-

гиси ёлғон», - дедим. У: «Сизни

чин юрдан севса-чи», - деди. Мен бунақа севги менга керак эмаслигини айтдим. Негадир ўша куни факат шу гапини ўйладим. Қунлар ўтди, у менга бор ҳақиқатни айтиди. Ўша кун кат қиламан. У қўнгироқ

қилиб, соғинганини кетади. Мен ҳам уни соғинаман. У: «Биз баҳти бўламиз, чунки бир-биримизни севамиз», - дейди.

Лекин биронинг бахтсизлиги туфайли баҳтли бўлиши мен хоҳламайман.

Мабоди бирор кун у менга: «Сенга ўйланб хато килибман», - деса, ўшанда ўзимни кандай хис қилишимни тасавур кула олмайман. Мени бир ожиза аёлнинг қарғиши, бир нарасида гўдакнинг уволи уришини хоҳламайман. Ойнинг ўн беши коронгу бўлса, ўн беши ёргу бўлади. Менинг ҳам ёргу қунларим олдинда эканига ишонаман. Навоийлик опа, қалбингизга қулоқ тутинг. Бу энг тўри йўлдир.

Н. Бухоро

АГС  
САЛО

АГ



Хурматли  
рафикам  
ЗИЛОЛАХОН!

Сизин 26 декабр –  
таваллуд шопан ба күрб  
келдістан Яниң ишл  
байрамынан билан тиң  
кальымдан мубаффа болды етаман. Онгалинишин  
бахту-саодатын үзүн хамиша соғ-саломаш бўлди.

Умр йўлдошингиз  
Фарҳоджон Шукуров  
ва ўғлингиз Темурбек



Сизин 15  
ёшиниз билан  
күтлашын!  
Оллоҳдан Сизда  
узок умр тилаймиз!

Хамиша соғ-омон бўлди юрини.  
Кизларингиз ва  
ўғилларингиз номидан  
ўғлингиз Дониёр



Азиз ва мунис  
онажонимиз  
Мавлудаҳон  
ЗАЙНИДДИНОВА!

50 ёти күтлуг аймининг  
мубоффақ бўлди! Эдзу  
тикаларимиз Сизда! Бадавлат,  
нафакаҳор домла бўлди,  
навбатлар родатини кўриб

юришинизи Оллоҳдан тилаймиз, Онахон!  
Кизингиз Наргиза, куёвингиз  
Баҳромжон, набирангиз  
Сардорбек



Хурматли  
ОТАБЕК ака!

Сизин таваллуд аймининг ба кўриб  
келдістан Яниң ишленинг билан тиң  
юрафдан таберклийман. Сизда  
Оллоҳдан узоқ учр, соглиқ-амонлик,  
бахту-саодат тилайманд! Ушабтап  
урчнишининг тар бир кунин шодик  
ба кубонлифа бой бўлди.

Ишларининг ривож ба күп-барба, физинзда эса  
тиниллик, гоширхамлик тилайманд. Омад хамиша  
тамғорининг бўлди.

Уканиз Адҳам

## УМРИНГИЗГА УМР ҚЎШИЛСИН!



Лолаҳон Аҳмадова "Оила ва жамият" газетасининг энг масъул лавозими – хатлар бўлумида ишлайди. Ҳар бир ишни жуда тартиб билан муддатидан ҳам олдин бажарип кўйиш учиш учун "олтин" коиди.

Таҳририятимизда хамма у кишини хурмат килади. Лолаҳон опа бундай эътиборга лойиқ инсон. Уйининг эшиги ҳар доим

хаммамиз учун кўнглидек очик бўлади. Ишда талабчан интизомли ҳамкаасимиз Лолаҳон опа оиласда меҳрибон она, кўйичан оила бекаси. Ўзига ўшаган дилкаш, одамоҳум турмуш ўртоғи Файзулла аба билан Нодираҳон ва Темурбек исмили фарзандларини тарбияломақда.

50 баҳоринг останасида турган Лолаҳон опамизни ва қизлари Нодираҳонни ҳам таваллуд айёми билан табриклиймиз!

Ҳамиша соғ-омон, бахту-саодатли инсон бўйли узок умр кўришларини тилаймиз.

**"ОИЛА ВА ЖАМИЯТ"  
ТАҲРИРИЯТИ АЪЗОЛАРИ**

Они ёқмай апил-тапил кийиндимда йўлга тушдим. Оши ўтказиб автобусда хизматга кетаётганимда кўрган тушим эсимга тушди. Шошиб чўнтақларимни карасам на бирор хужжат, на ойлик йўл чиптани олмабман. Шу кунги ишга бориш-келишимга ортича сарф-харажат қилишимга тўғри келди. Ўйкудан ўйғонган заҳотим, тушимнинг ўнгчиши мумкинлигини хисобга олганимда нокулай ахволга тушни колмас эдим, деб кейин йўланиб қолдим.

Ҳамдам ТЎЙЧИЕВ

## ҚИДИРИБ ТОПМАГАНДИМ...

Бир куни шундай туш кўрдим: қандайдир идора қабулхонасида негадир паспорт, гувоҳнома билан бир каторда ойлик транспорт чиптасини ҳам текширишар эди. Аксига олиб бир талай қофзлар ичиди ойлик йўл чиптам кўринди-ю, кейин йўқотиб қўйдим. Астойдил қидирдим. Хозир шу ерда эди дейману, топиб берада олмайман. Бир-бир ҳамма чўнтақларимни қайта-қайта ковладим, лекин фойда-си бўлмади. Ахир асабийлашиб ўйғониб кетдим. Саҳар пайти экан. Ўйдагиларни ўйғотиб ўбормаслик учун чироқ-

ни ёқмай апил-тапил кийиндимда йўлга тушдим. Интернатида ҳам борасида қилинаётган ишларда мактаб директори Муқаддас Мирҳамидова бош-қош. Муқаддас опа нафакат ўкув ишлари, балки интернатни жихозлаш, мактаб ҳовлисимини ободонлаштириш йўлида ҳам катта ишлар килмоқдалар.

Интернат ҳовлиси тоза қилиб супурилган, турли туман гуллар экилган. Озодалик киши кўзини кувнатади. Директорга бу борада иммий ишлар бўйича муовин Зинаида Петровна Васина, маънавияти ва маърифат

ишлиари бўйича муовин Наталья Викторовна Кацюба ва кўплаб бошқа ўқитувчилар, тарбиячилар, техник ходимлар яқиндан ёрдам бермоқдалар. Албатта ҳозирги иқтисодий кийин шароитда бу ишларни бажариш осон эмас. Интернат базасини ошириш, оталик ташкилотларини излаб топиш, айникинча битирувчиларни ишга ва ўқишига жойлаштириш керак.

Интернатда З. П. Васина, А. И. Булаткина, Г. Г. Кузнецова, Д.Р. Бакрева, К.К. Қодирова, С.И. Ибрагимова, Э.А. Сергеева, А.А. Абдураҳмонов сингари фидоий инсонлар бор экан, бу ерда ўзаро хурмат, меҳр ўлмайди.

Мирзоҳид МИРОКИЛОВ,  
II-гурух ногирони

Тошкентимизнинг Чимбой кўчасидаги 100-максус мактаб-интернатда менинг 10 йиллик умрим ўтган. Дарвозадан киришим билан ҳудди ўйил ортга қайтганда бўлдим. Кулокларим остида дўстларим ғала-ғовури, жуда ошириб юборган вактимиздаги устоzlар танбехи. Гўё, кимдир ҳозир мени дарсга кеч колганим сабабли урушиб берадигандай. Дўстларим мен билан беркинчак ўйнашптило, ҳозир дараҳтлар ортидан чопиб чиқишидигандай.

Мактабим ўз одатига содик. Ҳозир ҳам ҳар бир бола қаттиқ назоратда. Уларнинг соғлиги доимо кузатиб борилади. 12 нафар тиббиёт ходимлари ўз ишларига масъулият билан қарашади. Интернатга ДЦП ва полеомелит билан оғриган, 11 ёшгача бўлган болалар қабул килинади. Бу ерда болаларга кўйиладиган ягона шарт – улар ўзларини бошкара олишлари керак. Интернатда таянч синфлари ҳам мавжуд. Дарсдан сўнг болалар тушлик қиладилар, ўз вазифасини тайёрлайдилар, кечки овқатдан сўнг бир пас ўйнаб ухлайдилар. Бунда уларга 44 нафар тарбиячи ёрдам беради. Ишонасизми, биз ўқитувчимизга айтиб олмаган сиримизни тарбиячи опаларимизга айтиб эди.

Ҳозиринг вақтда интернатда ўқиётган 245 нафар болага зарур шарт-шароит профессор Эргаш Салимов клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усусларда даволайди. Бронхиал астма хасталигига гормонал дорилар кўлланмайди.

Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни кўйиб синалади. Иш вақти соат 8-17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Тошкент, Уйғур Ҳўжаев кўчаси, 4-йи, 10-хона. Автобуслар – 27, 35, 46, 53, 91. Трамвайлар – 7, 8, 16. 1-шахар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

## БИЗ УЧУН ПАРВОНАСИЗ!

Дунёдаги ҳар бир инсон ўз олдига эзгу мақсадлар кўйиб яшайди, умид билан фарзанд ўстиради. Ўз жигарбандларининг баҳту саодатини кўриб шукроналар қиласди.

Бизнинг онажонимиз Хайринисо Ҳалимова турли нуғузли идораларда 40 йилдан зиёд раҳбарлик ишларида хизмат қилди. Ота-онасидан тогфаси Абдукаҳҳор иккиси жуда эрта етим қолишган экан. Шу сабаб биз кизлари учун ҳамиша парвона бўларди. Мана бугун 80 ёшга тўйлан волидамиси пиру-бадавлат. Икки киз, тўрт набира, 9 эвара даврасининг тўрида кексалликнинг гаштини сурояттилар. Гёй ою-қолдузлар даврасидаги кўшга ўхшайдилар. Онажонимиз муборак 80 ёшлари билан кутларканимиз, соғ-саломатлик тилаймиз. Илоё кўп ийлар уйимизнинг файзи, бизнинг сунгандар тоғимиз бўлиб юринг!

**КИЗЛАРИНГИЗ МАЪРИФАТ, РАҲНОҲОН, УКАНГИЗ АБДУКАҲҲОР**

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2001 йил 10 декабрдаги 10-0204\20-сонли ажримига асосан, "Ал-Ахел" МЧЖнинг банкрот деб топиш бўйича иш очилган. "Ал-Ахел" масъулияти чекланган жамияти кредиторларининг биринчи йигилиши Юнусобод туман ДСИ биносининг 1-кават, 38-хонасида 2001 йилнинг 3 январида соат 15.00 ўтказилади.

**Манзил: Амир Темур кўчаси, 95-йи, 1-кават, 38-хона.**  
**Мурожаат учун телефон: 137-51-75**

**"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ**

замонавий касб-хунар курсларига таклиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДҲОНЛИК КУРСЛАРИ:

- Windows-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, MS-dos, NC.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-3 ой.
- Бухгалтерия хисоби -2 ой.
- Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой.
- Акшерлик-6 ой.
- Ҳамшираплик-3 ой.

**ДИККАТ!** Ҳар бир курснинг тезкор гуруҳлари мавжуд, Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоғифадаги мутахассислар томонидан амалиёти билан олиб борилади. Муваффакияти битирғанларга ДИПЛОМ берилади.

**МАНЗИЛИМИЗ:** «Халклар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уи, 5-6 йўлаклар, 1-хонадон, 1-кават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ  
«МОҲИР ҚЎЛЛАР»**

Кўйидаги пуллик курсларга қабул эълон қиласди:

- ён замонавий усул асосон осон ва ге бўзич ҳамда ўзинчесиз тикиши - 4 ойлик;
- пардалар, ҷойшаблар – тури қиси жиходзандар, бурумал параларни бачиши ва тикиши - 3 ойлик;
- бўлғаларни замонавий костюм, пальто ва плащларни бачиши ва тикиши - 3 ойлик;
- замонавий, ҳар фабрилос Эрракар ҳинчии - 2 ойлик;
- Косметология - 2 ой.

Кўйлаш, шим, костюм, ҷар, кунга, классик ва спорт услуби мос – костюм, фрак, нимча, куртка, платья, пальто.

Машгулотлар кичик гуруҳларда ҳар куни олиб борилади.

Битирғанларга диплом берилади. Қабул ҳар куни қиси (жихондан ташкири) соат 10 дан 12 гача.

Манзилимиз: Пушкин кўчаси, 7-йи, 3-бизнес мактаби, 4-кват, 524-хона.

Мўлжал: Метрополин «Амир Темур» бекати. Тел: 133-73-97, 76-19-95.

**«ЎҚТАМХОН» ўқув маркази ўқишига таклиф этади:  
(ўқишига ҳар ойда қабул қилинади)**

- 1. Бичиш-тикиш - 3 ой; бошловчилар учун - 6 ой. Бунда сиз 100 дан ортиқ замонавий либослар, костюм-шим, бешик усти жихозларини бичиш-тикишини моделлаштиришни ўрганисаниз.
- 2. Ҳамшираплик - 6 ой. 4 ой ўқиши, 2 ой замонавий амалиёти билан ўтилади.

Ўқишини тутагтаниларга диплом берилади. Лиц: № 587

Манзилимиз: Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-йи, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 121-77-72 (кундузи), 125-46-27, 125-97-93 (кеч соат 17 дан кейин).

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН FANSOFT КОМПЬЮТЕР ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**Паклиф қилалини**

Компьютердан малакали фойдаланувчи MS DOS, NC, Windows MS Office (Word, Excel)

Автомашинада лойиҳалаш тизими AutoCAD 14, AutoCAD 2000

Графика CorelDraw, PhotoShop

48 соат

Курсни муввафакиятила ташомалаганларга сертификат берилади

Манзил: (M) "Тинчлик", Беруний 83, "Ўзғазлойла" инс-ти, 1-кават 21 ва 22 хоналар. Тел: 1441527, 420345

18 ёшдаман. Жавзо буржида, зиёли оиласда туғилдім. Ойим мени катта килгұна жуда қынналғандар. Жуда инжік ва шұх, үшар киз бұлғанман. Үйміздә ишлаб тұрган нарасалар ишламай қолар, хозирғина шу ерда тұрга буюмлар бирлаша үтмай үйкөлар, 2-3 күн үтгач уни синик қолда ахлат яшиқдан топишарды! Күшнілар ҳам дод-вой деб шикоят килип келишарды. Бири үлгінинг устбоси шалаббо бұлғаннан, бири кизини шишиган пешонасина пеш қилип келишарды. Мени топиб бұларымди. Хөвлимиз катта бўлиб, беркинадиган жойлари кўп эди. Даражатларнинг ҳали униси, ҳали бунисига ҳаккалаб юрадид. Мактабимни эсласам, маданиятт үйи, активлар зали, турли танловлар ёдимга тушади. Рақс тушиш, кўшик айтиши, расм чизиш, тикиш, пишириш, югуриш, умуман ҳамма нарсага қизикаман. Шунинг учун ҳар даим үт ёк, бўйғим қашка бўлиб юрадид. Бир куни ўчокни ичига тушиб кетганинан. Ҳеч нарса кильмаган. Ойим мени ўқлов билан урганларда синиб кеттаган. Домлалар мени дарсда даим тик түрғизиб қўяди. Бир куни расм дарсиде оғизгима көғозни солиб, думалоқлаб бир болага отдим. Шўрим курсин, коғоз домламизнинг юзига бориб ёпиши. Ҳамма расм чизиш билан банд. Ҳайриятки ҳеч ким сезмади. Ҳамма ўғыл болаларни домламиз шунақа дўпосладики. Дарсдан чиқариби, кулогимни чўзган холда ўқитувчилар директорни хонасига олиб боришиди. Лекин у киши кечиради. У кишининг таърифи билан айтганда "Шайтон киз" эдим-да. Бирор бир танлов менисиз ўтмасди. Биринчи ўрин ҳам каминанини эди. Ана шунақа — на гапдан, на ишдан, на бузғунчиликдан чарчамас эдим. Үқишиларни беши эди. Ҳамма байрамларда ўзим бошловчи бұлғанман. Секин-секин ҳаётни тушуна бошладим. Бир пайтлар севигидан нафартланган, "севиб қолдим" деган кизларни масхаралаб күлтән киз севиши ҳам гапми — кўиб қолдим. А. билан бир маҳалла тұрамыз. Уни мен 6-7-синфлигимда таниғанман. Уларнидан олма ўғырлаганимизда сумкамни колдириб қочган эканман. Биласизми, у мендан 12 ёш катта эди. Амаким билан жуда қалин оғана-ини эдилар. Үймізга деярлы хар куни келиб-кетиб турарди. Кейин-кейин шунақанги қалинлашиб кетдикки, ақа-сингиллардек. У мусика олийгохини тамомлаганди. Үша пайтлар мен ҳеч нарсаны фахмамайдиган мурғак эдим. Үнга ўз яқинларимдек үрганиб қолдим. Бир қаріндoshimizning кизига унинг номидан совчи юбришибди. Тўй бўлди. Кувончим чекиси. А. энди менга почча. Тўйга бордим. Шунч мөхмөнлар орасида унинг күзи менга тушди. Узоқ тикилди. Мен эса кулиб "зўр" деб ишора килдим. Тўйдан один ҳам, кейин ҳам "Мажбурлаб тўй килишибди. Иккисининг хам кўнгли йўқ экан", деган гаплар тарқаганди. Ҳатто у бизнисига келганда ҳам "Отам мажбуран ўйлантариштилар, мен уйланмоқчи эмасдим", деганини эшитганди. Аста-секин улгайдим. Лекин бирор марта уларни бирга юришганини кўрмадим. У кайона-қайнотасинига умуман бормас, улар ҳам деярлы келишмасди. Навбатта-навбат фарзандли бўлишибди. Хотини шифокор. Бирок негадир ҳеч көвоги очилмайди. Фамгин, камгап.

Лицейда у байрамларда кўшик айттар, мен эса олиб борувчи бўлар эдим. Лицейни битирдим. Токшентек үқишига жўнадим. Ҳужжатларимни Миллӣ университеттега топширдим. Контракт асосида кирдим. Ҳумидадим. Отам ўқитувчи бўлса ҳам санънати севади. Ҳамма хурмат килади. Тўйларда үртакашкил қилардилар. Бошка вилоятларга ҳам олиб кетишарди. Кўпчилик таниди.

Тумандаги хунар мактабида ишлай бошладим.

У ишимни эшитиб котиб қолди. Нимадир демоқчи-ю, айтольмайди. Ҳа, бу вакттана унинг мени севишини, ўзимнинг ҳам кўнглим борлиги, нафақат

борлиги, усиз жиннидек бўлиб қолиши милиадим. Лекин билдиригим көлмасди. Энди фойдасизлигини яхши англардим. У хаваскорлар гурухини тузди. Истедодим — туфайли мени ҳам шу гурухга олиши. Концерт кўйиб турардик. Изимдан эргашадиган болалар ҳам йўқ эмасди. Мен эса уларга кайрилиб ҳам қарағасдим. У шу йили мени санъатга таалукли бирор бир жойга жойлаштириш мокши эди. Бора-бора А. ҳар нарсага жаҳали чиқадиган, бирор билан субҳат килиб ўтирганим кўрса оғёги кўйган товуқдек ўзини кўярга жой топа олмайдиган бўлиб қолди. Ҳар доим кузатиб юрар, ўқиб жойидаги байрам-тадбирларига бориб, даврага чиқадиган бўлсам урушиб, олиб кетарди. Туғиган кунларда, ҳар ҳил давларларда ҳам ундан сўраб борардим. Ишандан кечиб кослас ҳам кузатишига кўйган одамлар орқали билиб олар, сўрок киларди.

олмайман, у яхши хотин, лекин унга ўзимни исита олишим жуда кийин", дер эди. У ўзи ҳақда гапириб берарди.

Мен ёмонман, майли ҳамма ёмон кўрсинг, нафратлансан, факат сен ёмон кўрмасанг бас. Канча қизларни кўрдим. Уларнан кўни билан иккى-уч, балки бир йил севгандирмади, лекин сени унтуломадим. Агар бугап очилса, катта жанжал бўлади. Мен эса сендан айрилишдан кўрқаман, сен билан беш ишча юрсам, кейин уйланааман. Сени чеч кимга бергим келмайди. Факат мен учун яралгансан. Менга ўғил керак, уни санъаткор қиласман", дер эди. Гоҳида тўйиб-тўйиб йиглаб, Оллоҳга илтико қилардим. "Севги Оллоҳ томонидан берилса, нега ҳолаҳволи бунақалигини била туриб унинг севигисини юрагимга жойлади", деб улай олмай чиқар. Бора-бора юрагим оғрийдиган, нафасим сикиладиган бўлиб қолди. Шунинг учун у мени авай-

нимдаги бола... Ох, ўғлим... А. уни кўриши, кўлиға олишини қанчалар орзу қилған эди. Уни асрал олмадим. 5 йиллик хотираларим ёзилган дафтарларимни йиртиб ташлашди. У мени "Чо-ликуши" деб атарди. Синфимиздаги баъзи болалар ҳам мени шундай дейишарди.

Қийналдим. Жуда қийналдим. Яширича иккى бор учрашдик. У: "Хотиним кетиб қолди. Фарзандларимни олиб келишим керак. Факат сен чида, сени кийнаб кўйдим. Сени мен никоҳимга оламан, олиб кетаман", - деди. Мени олиб боришимаган эшону, фолбинлари қолмади. Ҳаммасида бир хил гап - "иккаласи ҳам севишиган, бироқ бирлашилари учун йўл йўй".

Ха, у рафиқасини олиб келди. Мени ўйлаб, уйдагилар унга зарар етказишмади. Ҳозир уйдаман. Ҳеч қаэрга чиқа олмайман. Севишиш — бу баҳт дейишади. Мен ўзимни алдандин дея олмайман. Адашдим ҳам дея олмайман. Юрагим буорганидан ўтолмадим. Лекин иродасиз ҳам эмасман. Чунки унинг инжиқлиги, кўрслиги - ҳаммасига чидадим. Лекин бахтсизман, дейиш им ҳам нотўғри, севишиш баҳт эмасми? У менга доим "Гуноҳимиз битта — у ҳам бўлса мен ҳаётга эрта келганим, сенинг эса кеч келганинг", - дер эди. Менимча, ҳақиқи севигига эришиш доимо осон бўлмаган. Уни ҳар гал койишганда юрагим зирқираб кетади. Ўзимни оуттаман.


Факат куласам. Чунки ҳаёт менинг устимдан кулишига йўл кўймайман. Ўйдагилар гапириши: "Пешона экан, ойнинг ўн беши ёргу, ўн беши корону, чидаш керак, факат бардош керак, йиглаш эмас, кулиш керак", - дейману, болаларга кўшилиб ўйнаб кетаман. Шунда улар бу ҳали ҳам бола деб йиғлаб колишиади. Бу гапни у ҳам ҳамиша айттарди. Йўқ, мен ҳам қийналаман. Факат бирорвага сиздирмайман. Ўрганинг. Шамолдекман. Менга ўйланмоқчи бўлғанлар бор. Лекин менга қолса ўзим, ёлғиз ўзим яшасам. Энди ҳеч нарса керак эмас. Мен доим шунақаман. Шўх ша шодонман. Лекин ҳеч кимга сиздирмайман. Нима қиласман ўзгалирни ҳам қийнаб. Факатгина дардим бу менинг дафтаримдир. Сиз ҳам эшитиб кўринг. Мен ҳеч шўх шеръ ёза олмайман. Ҳаммаси маймас юа мажзун.

Агар иложи бўлса, унинг муҳабати билан бир умр яшасам.

\* \* \*

**Белим кучган**  
қўллар омонатлигин,  
**Илик бўсаларнинг**  
хиёнатлигин,  
**Эслаганда,** англаганда,  
хис этганимда,  
**Дунёларнинг бор**  
захрани ичим келар.  
**Кетгим келар,** сендан кечиб  
кетгим келар.  
**Кимдир сени кутишини**  
йулаганимда,  
**Эсласам гар яна**  
кимга тиргак эканинг,  
"Майли, энди яхши қол",  
деб сўзлаганингда,  
**Кетгим келар,** сендан  
кечиб кетгим келар.  
**Оқ либослар армон**  
бўлди орзуларимга.  
**Шодликларим бор**  
лаҳазда ўтдию-кетди,  
**Умидларим хазон**  
бўлди тўйгуларимга.  
**Ишончларим мени**  
кимга сотдию-кетди.  
**Белим кучган қўллар**  
омонатлигин,  
**Илик бўсаларнинг**  
хиёнатлигин,  
**Эслаганда,** англаганда,  
хис этганимда,  
**Дунёларнинг бор**  
захрани ичим келар,  
**Кетгим келар,** сендан  
кечиб кетгим келар.

(Давоми 8-бетда)



## СЕНДАН КЕЧИБ КЕТГИМ КЕЛАР...

ларнинг бирида қиз-йигит ўртасида со-дир бўладиган ўша воқеа юз бериб қолди. Ҳизм ҳам сезмай қолдим. Агар сез-ганимда...

Кейин билсак... У курсанди эди. Ўйдагилар фарзандимни олидириб ташла-моқчи бўлишибди. Бу уларга оғир зарба бўлди. У эса: "Йўқ, у менинг фарзандим. Менинг", - дер эди. Унинг ота-она-сини чакиришиди. Биз қочмоқчи бўлған эди. Қайтариб олиб келишиди. Шунағанги маш-машалар бўлдики, ота-си қўз одимиздан уни урди. У отасига: "Севаман, унга ўйланаман, юрагимизга кулоқ солинг, биргина юрагим истагани билан ҳам яшай, хотинимни ҳам, уни ҳам боякаман. Факат менга берингизлар, у факат мен билан яшайди", - деб тушунтириди. Роса жанжал бўлди. Ўйдагилар мени беришмоқчи эмас, уни ўлдиришмоқчи эди. Мен эса: "Аввал мени, кейин уни ўлдиринглар", - дедим. У тўрт-беш кун ичидан совчи юбориб, ўйлиб, олиб кетаман, - деди. Ўйдагилар эса тиш-тироғни билан қарши. У менга: "Сенинг ҳам максадинг мендан ажралиш, ҳамманди ниятинг шу", - деб бақирид. "Йўқ", - дедим мен. Фарзандимни асрал қолишимни айтбди уни тинчлантиридим. У билан сўнгги бор учрашишларини сўрадим. Унинг кўзига ўш олганни бир неча бор кўргандими, бу қадар эзилиб йиглаганини кўрмагандим. "Севасанми, умр-бод севасан-а?" Нима қиссанги кулоқ, уни асрар қол, у ҳам инсон, севигимиздан яралган, уни ҳам яшашга ҳаққи борку, уни асрар қол", - деганилари ҳалихали ёдимда. У менга: "Ҳиёнат қиласман, кутаман", - деб қасам ичирди. Мени узокка олиб кетишиди. Лекин кўри-

# ХАРОМ МУЛК СУРЛБ КЕТАДИ

Азиз фарзандларим! Илоҳим, бойбадавлат бўлинг. Лекин ҳар қандай бойлик ҳам ҳалоллик билан топилса буюради. Фирромлик, алдоқчилик йўли билан топилгани эса буюрмайдигина эмас, бошқа топган тутганларингизни ҳам сурб кетади. Келинг, шу муносабат билан қадим замонда яшаган бир чорвардор бойнинг фожеасини айтиб беради.

Ўша бойнинг жуда кўп кўйлари бўлиб, уларни чўпон тоғда боқар, соғиб олган сутларини эса

## Фарзандингиз билан ўқинг

хожасига олиб келиб бераркан. Бой эса унга сув қўшиб кўпайтириб сотаркан. Буни кўрган чўпон:

- Эй хожам, ог сутга сув қўшиб сотманг. Мўмин-мусулмонларинг хақига хиёнат қилманг, бунинг оқибати ёмон бўлади, дердим.

Лекин хожаси унинг гапини бир пулга олмай:

- Эй чўпон! Сен менинг иш ўргатувчи устозим эмас, хизматкоримсан! Бас, шундай экан бориб хизматнинг қил, менинг исимига арашма, - деб камистаркан.

Кунларнинг биррида чўпон сурувларни пастиликдаги ўтлоққа хайдаб ухлаб қолиди. Бир пайт қаттик шалдир-шулдур сел овози, кўйларнинг маърашидан ўйғониб кетибди. Қараса төғ юқорисидан кучли сел келиб, кўйларни оқизиб кета-

сув қўшиб сотовердингиз, мана оқибати ёмон бўлган кун келди.

- Хўш, нима бўлди, тезроқ гапирсанч-чи, - тутокиди хожа.

- Сиз узоқ йиллар давомида ог сутга сув қўшиб сотган сувлар йигилиб мўл бўлди. Бугун эса у сел бўлиб келиб, барча кўйларингизни оқизиб кетди!

Кўрдингизми, болаларим! Чорвардор бойнинг ҳаром йўл билан топган бойликлари ҳамма мулкини сурб кетди. Ог сутга сув қўшиб топган бойликлари унга буюрмади. Шундай бўлиши табий. Бу ҳаёт конуни. Шундай экан, ҳар бирингиз факат меҳнат билан пул топишга ҳаракат қилинг. Илоҳим, бой-бадавлат бўлинг.

**Мурод КАЛОНОХОНОВ,  
Мукамбар КАЛОНОВА**

# КЕТГИМ КЕЛАР, СЕНДАН КЕЧИБ КЕТГИМ КЕЛАР...

(Боши 7-бетда)

Ха, А. нинг рафиқасига жуда қўйин. Унинг ўрнига ўзимни қўйиб қўраман. Биламан, мен тўғри иш килмадим. Энг жирканч исла ўйл қўйдим. Шунинг учун ҳар қандай жазога тайёрман.

Мен унга: "Ака, майли мен розиман, мензис яшашга кўнига олган бўлсангиз оиласигизга аралашишга ҳақим йўк. Ҳаётингизни давом эттиринг. Сизга эътирозим йўк", - деб тушунтиришга уриндим. У эса бир оғиз сўз билан: "Ундан кўра қаматтириб юборганинг маъкул. Мен сени баҳтигини дорга илиб кетмайман. Гап тамом", - деб жавоб берди.

Гоҳида вужудимда икки киши яшаёттандек туюлади. Бирисе севади - ҳаддан ташқари, бирисе эса нафратланади. Наҳотки телба бўласам. Бирга юрган вақтларимиз баъзида бир-бirimizga сўзисиз узоқ, жуда узоқ термулиб қолар эдик. Тикилатида йилгаб юборардим. У эса хўрсиниб, мени овутарди, унутшим учун тури латифалар айтиб берарди. Кулишардик.

Баъзида эса урушшиб қолганимизда у кўксимга бошини қўйиб ўксиниб-ўксиниб сўзлар. "Нима қўл дейсан, айт, нима қўлай", деб қўзларига ўш тўлганча қалтиради. Мен эса шошиб: "Йўк, йўк менга ҳеч нарса керак эмас, Сиз сор бўлсангиз бўлди", - деб юлатар, бошини сираб таскин берад эдим. У яна: "Сени кўрсан ҳамма ташвишларимни унтиб, ёш боладек хис этаман ўзимни. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади", -

деб яна ўқсириди, ўзини ва менинг шонтиради. Тўғрисини айтсан, охири ажрасимиз шартлигини билардим, билардим, ўзимни чалғитардим. Мен унга ортича юк бўлиши истамасдим. Мана шу воқеаларнинг бўлиб ўтганига якндан бир йил бўлди. Мен унга: "Сизга ҳеч қаҷон хиёнат қилмайман, содик бўлиб қоламан", - деб сўз берган эдим. Унинг кистови билан албатта. Унга айтадиган гапим шуки: "Ўзингизни асранг. Ҳали ҳаммаси ўтиб кетади. Бу синов учун берилган хәёт. Тақдир бизни у дунёда учраштириш. Баҳтили бўлинг. Сизни ҳар вакт, ҳамиша севаман..."

Яна бир кишидан кечириб сўрашим керак. У ҳам бўлса А. нинг рафиқасидан. «Олажон, иложи бўлса мени кечиринг. Сизга мен чин кўнгилдан самимий покизи ҳаёт тилайман. Оллоҳдан сўрайман, сизнинг баҳтиёригиниз учун менинг баҳтинимни ҳам сизга ато ётсан. Қаршигизда гуноҳкорман...

Мана севимли газетам, сен менинг бутун умримга тенг бўлган 5-6 йиллик ҳаётимни ўрганиб чиқдинг. Менинг сирдошим бўлиб қол.

5-6 йиллик муҳаббатни қозғага тушириш ҳам, унтиши ҳам мушкул. Ҳеч нарсадан кам эмасман. Майли, дунёнинг кични азоби бўлса бардош бераман. Азиз ватандошим, Сиз нима дейиз? Қилган ишларим тўғри дея олмайман, чунки нотўри эканини яхши биламан.

**ЧОЛИКУШИ**

Ўтган сонларнинг қисқача мазмуни: **Лобар билан Равшан бирбирини севишиади. Аммо Лобарнинг ота-онаси уни бошқа йигитга узатиб юборишиади. Равшан эса ўзи севмаган Розия исмли қизга уйланади. Буни қарангки, Розия ҳам аввал Равшан исмли бошқа бир йигитни севган бўлади...**

Равшан кайтмагач, Розия: "Ҳеч кимга тегмайман", - деб ўзига-ӯзи сўз берди. Қанча жойлардан совчи келди, онаси унга ялиниди-ёвордин, аммо у кўнмади. Равшандан совчи боргандаям у оёк тираб туриб олди. Дугонаси исми Равшан эканлигини, яхши кўрган кизи бевафолик килиб эрга тегиб кетганигини, хуллас, Равшан ҳақидаги бутун маълумотни етказгандан кейин, кўз олдига Равшан акаси келди. "Ухашаш тақдирлар",

ми? "Эркак эмас экан", - деб кетган. Жамшид ака чиндан ҳам шундайдир, чунки шундан кейин уйланмади. Сен ҳам шу номга қолмокчимисан. Йиллар ўтар, ўша сен унотолмайтган Лобаринг тўртта боласини етаклаб ўтади олдингдан, кўрамиз ўшандаям уни дермикансан. Кейин онангни ўйласанг-чи, ўзи шу ахволга тушишга сен сабабчисан-

**Раъно АВАЗОВА**

# ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ

деди ўзига-ӯзи. Юрагидаги бор муҳаббатини ишқдан озор чеккан ўзга бир кишига бағишиласа нима қиласди. "Аввал ўзини бир қўрай", - деди онасига охири ўйланниб.

Равшанни кўриб эса ҳайрон колди. Ўхшаб кетаркан, нафакат ўзи, гапиришиям, қўзлариям... Розиянинг кўзидан оқиб тушаётган ўш болишига тушиди. «Менинг айбим нима Худойим, унга хисму танимни баҳшида этмоқчи бўлганимим. Тўғри, мен ҳам у кишини яхши кўрмайман, аммо мен сендан юрагимга унга нисбатан муҳаббат сол, уни яхши кўриб қолай деб сўрамоқчи эдим. Сендан мадад сўрамоқчи эдим Худойим...

Равшан ҳали ҳеч ким турмасданоғ ховидан чиқди-ю, у тўғри Лобар билан кезган кирлар бағрига борди. У кун оқунча майсаларга бағрини бериб ётди. "Э, Худойим, - деди у ҳаёлида, - бугун сен яратган тўрт нафар бандаларингдан баҳтисизроқ одам йўқ бўлса керак. Булар — мен, Розия, Лобар ва унинг эри. Мен Лобарни унотолмаганинг каби, у ҳам мени юрагидан чиқариб ташлолмаган бўлса керак. Лобарнинг кўнгилига йўл тополмаётган эрининг ахволи эса Розиянидан фарқ қилмаса керак. Қаниди кеч кирмаса, уйга боришига юрагим белтгамайди. Анварларникига борсам-чи у мени тушунади, бир нарса дар". Равшан шу ўй-ҳаёллар билан дўстининг уйига кириб борди: "Э, кўёв! Кўёв!", - унга қарши чиқкан Анвар Равшанинг қучоқлаб олди. "Энди келин билан бўлиб, дўстининг йўқламассан деб ўйловдим. Ҳудога шукур содик дўст экансан. Қалай, кўёв, ишпар яхшими?

Анвар уни уйга таклиф қилди. Кўрпачага ўтиришага яна "кўёв" деб сўз бошлаган эди, Равшан уни сўзини бўлди.

- Кенир дўстим, мен кўёв эмасман, сен қандай бўйдок бўлсанг мен ҳам шундайман.

Анварнинг чехрасидаги кулгудан асар ҳам колмади.

- Нима? - деди Анвар.

- Ҳам, кўёв эмасман. Мен ўзимни мажбурлай олмадим. Лобарни унотолмаяпман. Сендан...

- Равшан, сен нима килганинги биласанни? Нима қилиб қўйганинги биласанни, тентак? Кўшнимиз Жамшид акани биласан-а, у ўйлангандан кейин янги келинчак ҳафта ўтмаёқ кўч-кўронини олиб кетиб қолди. Кетар олдидан Жамшид акани нима деб кетганини биласан-

ку! Розия кетиб қолса, онангни қай ахволга тушишини ўйлајапсанни...

Анвар қизишиб кетганини сезиб, Равшаннинг елкасига кўлини кўйди:

- Дўстим, сен ҳам яшашинг керакку, наҳотки бир қизни деб, у бечора келинчакни ҳам, ўзингни ҳам кийнасанг. Бор, ўйингга бор, Розиядан кечирим сўра, тўйдаги қилмишларинг ҳам етади у бечорага. Ўйингга бор дўстим, не умидлар билан ҳовлинига келган келинчакнинг айби нима, унинг қаери кам Лобардан?

Равшан минг ҳаёллар билан уйига йўл олди. Қоронғу тушиб қолган эди. Ховлида онасини етаклаб чиқкан синглисига кўзи тушди. У онаси кўриб қолмаслиги учун тез-тез юрди-да, Розия турган хонага кириб кетди. Даҳлиздан чопонини ва дўпинини олиб кийди. Эшикка бироз суюни турди-да, чимилдик осилган уйга кирди. Чимилдик олдида Розия кечга Равшан тўйда берган гулни ушлаб ўтиради. Иккви ҳам кечаги воеани эслами, бир муддат ноқулат ахводда қолишиди. Бу нокурайликни Розия будди:

- Мана бу гулни ўйнинг тўрига илиб берасизми? Шундай илинги, гуллар ковжираса ҳам тўкилиб кетмасин.

- Нима қиласан уни? - Равшан ахвол ўзгарганидан чехраси очишиб сўради.

- Нима асраб қўймоқчиман.

- Нимага?..

- Чунки бу гуллар мен учун жуда азиз. Сиз бу гуллар шунчаки бериш керак бўлгани учун бердингиз. Шундайми? Аммо мен учун бу гуллар, шунчаки берилган гуллар эмас.

**(Давоми бор)**

# Оила ва жамият

Муаллиф фикри таҳририят нуктаси назаридан фарқ килиши мумкин. Фойдаланилмаган кўйёзмалар таҳлил килинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб килинмайди. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганини албатта қайд этилсин.

# БОШ МУҲАРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20  
Табриклар, ёълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашириёт-матбাসа акциядорлик компанияси босмаҳо наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-йй.  
Босишига топшириши вакти - 20.00  
Босишига топшириди - 20.00  
Газета таҳририят компютер базасида терниди ва саҳифаланди.

**ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»  
Акционерлик компанияси**

**ОБУНА ИНДЕКСИ** - якка обучничар учун 176 ташкиллар учун 177 Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида № 33 ракам билан рўйхатга олинган. Буюктара Г - 3126. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоб. Бахоси эркин нархда. Адади - 30 000 Саҳифалови - Жаъфар ЖАББОРОВ. Рассом - Набижон ХОЛМУРОДОВ. Навбатчи - М. СОДИКОВ.